



O'zbekiston Respublikasi

“O'zbekgidroenergoqurilish” aksiyadorlik jamiyatining

BUYRUGI

2022 yil «14» 04

№ 43

Toshkent sh.

“Жамият ҳамда жамиятга қарашли унитар корхоналар фаолиятида очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони ижросини таъминлаш доирасида кўрилаётган чора-тадбирларни кучайтириш, хусусан, бугунги шиддатли, очиклик ва ошкоралик шароитида фуқароларнинг ахборотни эркин излаш ва олишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш, Жамият ва унга қарашли корхоналар фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлаш, уларнинг очиклик борасидаги самарадорлик кўрсаткичларини белгилаш ҳамда фаолиятини илғор халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий этиш мақсадида,

Буюраман:

1. “Ўзбекгидроэнерго”АЖнинг 2022 йил 21 июндаги “Жамият ҳамда тизим корхона ва ташкилотлари фаолиятида очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 70-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ахборот-технология хизмати (К.Абдукодиров), акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати (Е.Бараева) ҳамда Жамиятнинг тегишли бўлим ва хизматлари билан биргаликда очиклик индексида назарда тутилган қуйидаги маълумотларни расмий веб-сайт ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларда эълон қилинишини таъминласин:

- Жамиятда очикликни таъминлашга масъул бўлган ходимлар фаолиятининг самарадорлиги;

- ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни қонунчиликда белгиланган ахборот ресурсларида эълон қилиш ва жамоатчилик олдида ҳисобдорлик тизимининг йўлга қўйилиши;


- оммавий коммуникация технологияларининг жорий қилиниши;
- коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишда очиқлик тамойилларидан фойдаланиш ҳолати;
- жамоатчилик кенгаши фаолиятининг самарадорлиги.

3. Жамиятга қарашли унитар корхона директорлари, Жамиятнинг Ахборот-технология хизмати (К.Абдуқодиров), акциядорлар билан корпоратив алоқалар хизмати (Е.Бараева) ва Жамиятнинг тегишли бўлим ва хизмат бошлиқларига, ўз фаолиятига дахлдор очиқ маълумотларни ахборот тизимлари (расмий веб-сайт, Очиқ маълумотлар портали)га жойлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига қадар Жамият ахборот тизимига тақдим этилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Ахборот-технология хизмати (К.Абдуқодиров) ҳамда Жамиятнинг тегишли бўлим ва хизмат бошлиқлари ва Жамиятга қарашли унитар корхона раҳбарлари ушбу Фармоннинг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш бўйича методикаси”нинг 1-9-иловаларига мос равишда вазифаларни амалга оширишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Бош муҳандис вазифасини вақтинча бажарувчи Б.Алтибоев зиммасига юклатилсин.

Бош директор



С. Юсупов